

وَعَنِ ابْنِ شُكَّاسَةَ قَالَ: حَضَرَنَا عَمْرُو بْنُ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ وَهُوَ فِي سِيَافَةِ الْمَوْتِ، يَبْكِي طَوِيلًا، وَحَوْلَ وَجْهِهِ إِلَى الْجِدَارِ، فَجَعَلَ ابْنُهُ يَقُولُ: يَا أَبَّاهُ؛ أَمَا بَشَّرَكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِكَذَا؟! أَمَا بَشَّرَكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِكَذَا؟ فَأَقْبَلَ بِوَجْهِهِ فَقَالَ: إِنَّ أَفْضَلَ مَا نَعِدُ شَهَادَةً أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنَّ مُحَمَّداً رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي قَدْ كُنْتُ عَلَى أَطْبَاقِ ثَلَاثٍ: لَقَدْ رَأَيْتُنِي وَمَا أَحَدُ أَشَدَّ بُعْضًا لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنِّي، وَلَا أَحَبُّ إِلَيَّ أَنْ أَكُونَ قَدِ اسْتَمْكَنْتُ مِنْهُ فَمَتَّلَّتُهُ، فَلَوْ مُتُّ عَلَى تِلْكَ الْخَالِ لَكُنْتُ مِنْ أَهْلِ النَّارِ، فَلَمَّا جَعَلَ اللَّهُ الْإِسْلَامَ فِي قَلْبِي أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقُلْتُ: ابْسُطْ يَمِينَكَ فَلَا يَبْعِلُكَ، فَبَسَطَ يَمِينَهُ فَقَبَضْتُ يَدِي، فَقَالَ: «مَا لَكَ يَا عَمْرُو؟» قُلْتُ: أَرْدَتُ أَنْ أَشْتَرِطَ قَالَ: «تَشْتَرِطُ بِمَا دَآ؟» قُلْتُ: أَنْ يُغْفَرَ لِي، قَالَ: «أَمَا عَلِمْتَ أَنَّ الْإِسْلَامَ يَهْدِمُ مَا كَانَ قَبْلَهُ، وَأَنَّ الْمِحْرَةَ تَهْدِمُ مَا كَانَ قَبْلَهَا، وَأَنَّ الْحَجَّ يَهْدِمُ مَا كَانَ قَبْلَهُ؟» وَمَا كَانَ أَحَدُ أَحَبَّ إِلَيَّ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَلَا أَجَلَّ فِي عَيْنِي مِنْهُ، وَمَا كُنْتُ أُطِيقُ أَنْ أَمْلَأَ عَيْنِي مِنْهُ إِجْلَالًا لَهُ؛ وَلَوْ سُئِلْتُ أَنْ أَصِفَهُ مَا أَطْفَثُ؛ لَأَنِّي مَمَّا أَكْنَنَ أَمْلَأَ عَيْنِي مِنْهُ، وَلَوْ مُتُّ عَلَى تِلْكَ الْخَالِ لَرَجَوْتُ أَنْ أَكُونَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ، ثُمَّ وُلِّيَّنَا أَشْيَاءَ مَا أَدْرِي مَا حَالِي فِيهَا؟ فَإِذَا أَنَا مُتُّ فَلَا تَصْحَبِي نَائِحَةً وَلَا نَارً، فَإِذَا دَفَّتُمُونِي، فَشُنُوا عَلَيَّ التُّرَابَ شَنَّاً، ثُمَّ أَقِيمُوا حَوْلَ قَبْرِي قَدْرَ مَا يَنْخَرُ جَزُورُ، وَيُقْسَمُ لَهُمَا؛ حَتَّى أَسْتَأْنِسَ بِكُمْ، وَأَنْظُرَ مَاذَا أَرَاجُعُ بِهِ رُسُلَ رَبِّي. رَوَاهُ مُسْلِمٌ

[121]

قَوْلُهُ: «شُنُوا» رُوِيَ بِالشَّيْنِ الْمُعْجَمَةِ وَبِالْمُهْمَلَةِ؛ أَيْ: صَبُوهُ قَلِيلًا.

«Ўлим тўшагида ётган Амр ибн Оснинг олдига кирдик. У узоқ йифлади, сўнг юзини деворга буриб олди. Шунда ўғли: «Отажон, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сизга фалон-фалон нарсалар ҳақида башорат бермаганмидилар? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сизга фалон-фалон нарсалар ҳақида башорат бермаганмидилар?» дея бошлади. У унга юзланиб, шундай деди: «(Охиратга) ғамлайдиган энг яхши амалимиз - «Лаа илааҳа иллаллоҳ, Мұхаммадур Расулуллоҳ» деб гувоҳлик беришдир.

Ҳаётимда учта босқич бўлди. Эсимда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни мендан кўра қаттиқроқ ёмон кўрадиган одам йўқ эди, имкон топсаму у зотни ўлдирсам, дердим. Ўша ҳолатда ўлсам, аниқ дўзах аҳлидан бўлардим.

Аллоҳ қалбимга Исломни соглач, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига бордим. «Қўлингизни узатинг, сизга байъат берай», дедим. У зот қўлларини узатган эдилар, мен қўлимни тортиб олдим. «Сенга нима бўлди, эй Амр?» дедилар. «Шарт қўймоқчиман», дедим. «Нимани шарт қўясан?» дедилар. «Мағфират қилинишимни», дедим. У зот: «Билмасмидинг, Ислом ўзидан олдин бўлиб ўтган ишларни йўқ қилиб юборади, ҳижрат ҳам ўзидан олдин бўлиб ўтган ишларни йўқ қилиб юборади, ҳаж ҳам ўзидан олдин бўлиб ўтган ишларни йўқ қилиб юборади», дедилар. Шундан сўнг мен учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан суюклироқ, у зотдан улуғроқ инсон қолмади. Ҳурматим баландлигидан у зотга тикилиб қарашга ботина олмас эдим. Агар мендан у зотни сифатлаб беришни сўрашса, сифатлаб бера олмасдим, чунки у зотга тик қарамаган эдим. Агар ўша ҳолатда ўлсам, жаннат аҳлидан бўламан деб умид қилсан бўларди.

Сўнгра шундай ишларнинг бошида бўлдикки, улар хусусида ҳолим не кечишини билмайман. Мен ўлсам, орқамдан ҳеч ким йиғламасин ҳам, олов ҳам ёқмасин. Мени дағн қилгач, устимга яхшилаб тупроқ тортинглар. Сўнгра бир тияни сўйиб, гўштини тақсимлагунча муддат қабрим атрофида туринглар, токи сизлар билан таскинланиб турай, Роббимнинг элчиларига нима деб жавоб беришимни ўйлаб олай».

Ином Муслим ривояти.



NUBUVVAT MARVARIDLARI